



STRENGTHENING CONTROL OF FUNDS SPENDED FROM THE STATE BUDGET FOR FINANCING THE SOCIAL-ECONOMIC PROJECTS OF THE REGIONS

Saparov Elmurod Donabaevich
Specialist of the Accounts Chamber of the Republic of Uzbekistan,
independent researcher
<https://orcid.org/0000-0003-2938-1145>

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒЛАР НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ

Сапаров Элмурод Донабаевич
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мутахассиси,
мустақил изланувчи

<https://orcid.org/0000-0003-2938-1145>

Resume. This article has developed proposals and recommendations aimed at strengthening control over the use of the state budget in the socio-economic development of the regions in the country.

Keywords. State budget, social programs, economic programs, treasury, preliminary control, public control.

Аннотация. Мазкур мақолада республикада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат бюджети

маблағларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилинган, маблағлар сарфланиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. давлат бюджети, ижтимоий дастурлар, иқтисодий дастурлар, ғазначилик, дастлабки назорат, жамоатчилик назорати.

Аннотация. В этой статье были разработаны предложения и рекомендации, направленные на укрепление контроля над



использованием государственного бюджета в социально-экономическом развитии регионов в стране.

Ключевые слова.

Государственный бюджет, социальные программы, экономические программы, казначейство, предварительный контроль, государственный контроль.

Кириш

Иқтисодийнинг модернизациялашуви жараёнида барча соҳаларда бўлгани каби давлат молияси тизимида тизимида ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат молиясини ислоҳ қилиш бўйича тизимли амалга оширилаётган ислоҳатларни янада ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифаларни сифатли ижро этиш мақсадида давлат бюджетининг ғазна ижросида ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини молиялаштиришга

сарфланадиган маблағлар назорати муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ҳудудлар билан ишлашнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқиш ... ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим лойиҳалар барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин қабул қилиш” каби йўналишлари белгилаб олинди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. Қонунчилик

маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон



Худудларни ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўзланган ҳолда сарфланаётган маблағлар мақсадлилиги ва манзиллилиги давлат бюджети барқарорлигига, худудлар инвестиция жозибадорлигини янада оширишга, худудларни ишлаб чиқаришни фаоллаштириш орқали худудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотларининг ҳажмининг ортишига, аҳолини ижтимоий муаммоларини ҳал этишга катта таъсир кўрсатади.

Мазкур илмий мақолада давлат бюджетидан худудларни ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини молиялаштиришга сарфланадиган маблағлар таҳлил қилиниб, мазкур сарфланаётган маблағлар самарадорлигини ошириш мақсадида молиявий назорат тадбирларини кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Асосий қисм.

Ҳар бир мамлакат учун давлат бюджети харажатларини бошқаришни самарали ташкил қилишга эришиш муҳим

ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда (advanced economy) давлат бюджетини бошқаришни ташкил қилиш ишларини юқори даражага кўтаришни ғазначилик тизимидан кенг фойдаланилади. Ғазначилик давлат бюджети даромад ва харажатларини тўғри режалаштириш ҳамда молиявий назорат асосида ижро қилиш имконини беради. Энг асосийси, ғазначиликда келгуси йил лойиҳасини тайёрлаш учун прогноз маълумотлари шакллантирилади ҳамда бюджет маблағларини ишлатилишида самарадорлик ва манзиллилик оширилади.

Бюджет жараёни, жумладан давлат бюджети ижроси босқичи ҳар доим давлат учун ҳам, ҳар бир фуқаро учун ҳам катта аҳамиятли бўлган ва бўлади. Мамлакатда турмуш фаровонликни ошириш даромадларни туширишни тўғри ва самарали ташкил этиш ва харажатларни амалга ошириш ишларига боғлиқ. Бюджет жараёни ислохотлари мамлакатнинг



молиявий ресурсларни самарали бошқариш ва назоратини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат бюджети ижросида фойдаланилаётган ғазначилик тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос ҳолда давлат харажатларини самарали бошқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат. Ушбу чора-тадбирлар Давлат бюджетининг харажатлари ижросидаги якуний назорат самарадорлиги бўйича долзарб муаммоларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари олдига қўйилган Давлат бюджетининг ғазна ижросини таъминлаш бўйича вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш учун Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилиши ва унинг мунтазам такомиллаштирилиб борилишини бўлиши зарур. Амалдаги ҳужжатларни қайта ишланишини ва янгиларини ишлаб чиқилишини

ҳамда ушбу жараёнда вазирлик ва идораларнинг идоралараро иштирокини, Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларини ўз вақтида киритилишига йўналтирилган бир қатор ташкилий, ахборот-техник, кадрлар ва бошқа зарур тадбирларини назарда тутди.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмлари босқичма-босқич киритилиши амалга оширилганлигини ҳисобга олиб, унга мос равишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам босқичма-босқич ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Республика ҳудудларида Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларини босқичма-босқич киритилиши 2005 йилдан бошланиб, "Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, шу жумладан республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга;



Самарқанд вилояти ҳокимлиги тажриба лойиҳасини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш; Марказий банкга ва тижорат банкларида Давлат бюджетининг ғазна ижросини босқичма-босқич жорий этишга кўмаклашиш тавсия қилинди”².

Ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан қуйидаги назоратларни амалга оширилишини назарда тутилди:

дастлабки назорат - бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш;

жорий назорат - бюджетдан маблағ олувчиларнинг банк ҳисобрақамларидан харажатлар сметалари ва рўйхатдан ўтказилган шартномалар асосида амалга

ошириладиган харажатлар тўлови устидан назорат ўрнатиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, республикада барча соҳаларда бўлгани каби давлат молияси, хусусан, давлат бюджети маблағларининг мақсадли ва манзилли сарфланиши борасида амалга оширилаётган ислохотлар, чоратадбирларнинг пировард мақсади маблағлар самарадорлигини ошириш, республика ва унинг ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш ҳисобланади. Шунингдек, бунда мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция дастури алоҳида аҳамиятга эга.

Инвестиция дастури республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика тармоқ ва ҳудудларини

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида” қарори. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз

қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишибилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз қучини йўқотган.



таркибий ўзгартиришнинг устуворликларини ва стратегик вазибаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси бўлиб, дастур:

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради;

лойиха-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили Дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

Дастурни шакллантиришнинг принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан зарур ҳажмларда, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек лойиҳаларни танлаб олишнинг амалий механизмини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни, ишлаб чиқаришларни ва фаолият соҳаларини кўллаб-қувватлаш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги) аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни, истеъмол талабини фаоллаштиришни таъминловчи ҳажмларда биринчи навбатда инвестициялаш;

минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи



бозорда рақобатбардошли даражага
етказишни таъминлашга
йўналтирилган ишлаб
чиқаришларни жадал
ривожлантиришга қаратилган
инвестиция лойиҳаларини қўллаб-
қувватлаш;

транспорт инфратузилмасини
ривожлантириш ва
такомиллаштириш, шу жумладан
трансконтинентал транспорт
йўлакларига интеграциялаш,
логистика комплексларини
шакллантириш;

таркибий ўзгартиришлар
вазифалари ва амалга оширилаётган
инвестиция сиёсатига мувофиқ
маблағ қўйишнинг ўзаро
манфаатлилиги асосида хорижий
сармояларни жалб қилиш,
томонларнинг инвестиция
мажбуриятлари асосида
шартномалар тузиш амалиётини
жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларини
Дастурнинг аниқ рўйхатига
олдиндан белгиланган мезонлар
асосида киритиш;

илгари бошланган
объектларни тугаллаш учун

марказлаштирилган
инвестицияларни биринчи навбатда
ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда
уларнинг самарадорлиги,
республика иқтисодиёти айрим
тармоқларини ва минтақаларини
ривожлантириш устуворликлари,
маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу
jumладан экспортга
йўнатирилганлик, бутловчи
буюмлар ва компонентлар ишлаб
чиқаришни маҳаллийлаштиришда
қатнашиш мезонлар ҳисобланади.


Шу ўринда, қайд этиш
ўринлики, 2016 йилдан бошланган
мамлакатдаги иқтисодий
ислохотларнинг янги босқичида
Жамоатчилик назоратига алоҳида
урғу берилмоқда, давлат
бюджетидан сарфланаётган
маблағлар очиклиги,
шаффофлигини таъминлаш каби
масалаларга устуворликка эга
бўлиб, юқоридаги принциплар ва
вазифалар бойитилиши зарур.

Худудларни ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш
Дастурини молиялаштириш



манбалари куйидалардан иборат.

Хусусан:



1-расм. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурини молиялаштириш манбалари³

1-расмда келтирилган, марказлашган молиялаштириш иқтисодиётнинг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга; аҳолининг эҳтиёжманд катламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун ой-жой қурилишига; сув хўжалиги қурилишига; аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик

инфратузилмасини ривожлантиришга; фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига; давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга; умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва

³ Муаллиф ишланмаси.



табiiй офатлардан химоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

Фикримизча, манбалар каторини бошлаб ҳудудларда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилаётган режадан ортиқча бажарилган солиқ тушумларининг қолдирилаётган қисми бўйича шаклланаётган маблағларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат мобайнида Тўрақўрғон туманига (Наманган вилояти) 2022 йилда давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан 1 055,6 млрд сўм ажратилган, шундан 437,4 млрд сўм (бу ҳам иш ҳақи ва бошқа сақлаш харажатлари учун) ёки 41,4 фоизи туман ғазначилиги орқали қамраб олинган. Ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш, жумладан, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бошқа манбалар ҳисобидан ажратилган 108,4 млрд.сўм туман ғазначилиги жорий назоратидан

четда қолган. Чортоқ туманида 108 млрд.сўм туман ғазначилиги томонидан назорат қилинмаган⁴.

Фикримизча, илмий мақоланинг келтирилганидек, ғазначилик органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг маблағ билан таъминлаш жараёнини назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ғазначилик бўлинмаларига юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олишда ва тўловларни амалга оширишда товар (иш, хизмат) етказиб берилганлиги юзасидан ҳавф (риск)лар аниқланганда, заруратга кўра, жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиш; давлат харидлари соҳасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланган тақдирда тўловларни вақтинча тўхтатиш, шартномани рўйхатдан ўтказмасдан қайтариш, бекор қилиш ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги тўғрисида давлат буюртмачисига

⁴ Муаллиф томонидан ҳудудларга чикиб ўрганиш жараёнида аниқланган.



хамда давлат назоратини амалга оширувчи органларга хабарнома юбориш каби қўшимча ваколатлар тақдим этиш зарур.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳудудлар учун юқори бюджетлардан маблағларни молиялаштириш бевосита республика идоралари орқали марказдан туриб амалга оширилиши 206 та туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларининг назоратидан четда қолмоқда. Масалан, сув тежовчи технологияларни жорий қилинганлиги учун марказдан

туриб, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан маблағлар молиялаштирилганлиги, жойлардаги ғазначилик ходимлари томонидан ваколоти йўқлиги сабабли сув тежовчи технологияни ҳақиқатда жорий қилинганлиги кўздан кечирилмасдан қолиши оқибатида 30 фоиз ёки 315 млрд.сўм субсидиялар самарасиз сарфланган.

Фикримизча, ғазначилик органларида қўшимча ваколатлар бериш билан бирга қўшимча штат бирлигини ажратиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфланиши устидан жорий назоратни кучайтириш учун Ғазначилик хизмати кўмитасига қўшимча таклиф қилинаётган штат бирликлари ва уларни сақлаш учун талаб этиладиган маблағлар ҳисоб-китоби⁵

Худудлар номи	Туман (шаҳар) сони, та	Талаб этиладиган штат бирлиги, та	Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича		Талаб этиладиган бир йиллик сақлаш харажати, минг сўм	Шу жумладан	
			Разряд	Тариф коэфф.		Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов, минг сўм	Иш ҳақига ажратма, минг сўм
Қорақалпоғистон	17	17	11	2,014	943 685	754 948	188 737
Андижон	17	17	11	2,014	943 685	754 948	188 737
Бухоро	13	13	11	2,014	721 641	577 313	144 328
Жиззах	13	13	11	2,014	721 641	577 313	144 328
Қашқадарё	15	15	11	2,014	832 663	666 131	166 533
Навоий	11	11	11	2,014	610 620	488 496	122 124

⁵ Муаллиф ишланмаси.



Наманган	14	14	11	2,014	777 152	621 722	155 430
Самарқанд	16	16	11	2,014	888 174	710 539	177 635
Сурхондарё	15	15	11	2,014	832 663	666 131	166 533
Сирдарё	11	11	11	2,014	610 620	488 496	122 124
Тошкент в.	22	22	11	2,014	1 221 239	976 991	244 248
Фарғона	19	19	11	2,014	1 054 707	843 765	210 941
Хоразм	13	13	11	2,014	721 641	577 313	144 328
Тошкент ш.	12	12	11	2,014	666 131	532 904	133 226
Жами	208	208	11	2,014	11 546 262	9 237 010	2 309 252

1-жадвал маълумотларига кўра, ғазначилик органларига тақдим этилаётган штат бирликлари ҳисобига 11 млрд.сўм сарфланади, лекин 46,0 трлн.сўм⁶ маблағларнинг мақсадли ва манзилли ишлатилишига эришилади.

Хулоса

Илмий мақола мақсадидан келиб чиқиб қилинган ҳисоб – китоблар, изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Биринчидан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларни молиялаштиришга маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилаётган режадан ортиқча солиқ тушумларини йўналтириш;

Иккинчидан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш лойиҳаларига давлат бюджетидан сарфланаётган маблағлар манзиллиги, мақсадлилигини оширишда мунтазам тадқиқотлар ўтказиб бориш зарур;

Учинчидан, ғазначилик органлари томонидан амалга ошириладиган даситлабки назоратни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг ғазначилик органлари томонидан қамраб олиниши керак;

Тўртинчидан, ғазначилик органлари қўшимча штат бирлигини тақдим этиш орқали мақсадсиз сарфланаётган

⁶ Муаллиф ҳисоб-китоби.



маблағларни аниқлаш амалиётини
янада кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон "Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 январдаги 16-сон "Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2023 й., 09/23/16/0030-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида" қарори. *Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишибилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.*